

## Рейдлар давом этмоқда

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Жиззах вилоят ҳудудий бўлими ўзининг тасдиқланган иш режаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги, Давлат Солиқ Кўмитаси ва «Ўзавтодарётранс» Агентлигининг 142, 85, 58-сонли буйруқларига асосан 2016 йил январ-сентябр ойларида **208** маротаба қўшма рейд-мониторинг ўтказди. Ўтказилган қўшма рейд-мониторингларда жами **12039** та автотранспорт воситалари текширилди. Шундан **3102** та автотранспорт воситаларида турли камчиликлар аниқланди. Шулардан, йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларини бузганлар сони – **2211** тани, лицензиясизлар сони – **718** тани ва лицензия талаблари ва шартларини бузганлар сони – **173** тани ташкил этди.

2016 йил январ-сентябр ойларида ўтказилган рейд-мониторинг натижасида **718** та ташувчи томонидан лицензиясиз ноқонуний фаолият кўрсатиш ҳолатлари аниқланиб, ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тегишли солиқ инспекцияларига қонуний чора кўриш учун юборилган. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган **718** та ташувчидан **380** тасига нисбатан **487950.4** минг.сум маъмурий жарима қўлланилди. Жойлардаги суд органлари томонидан **54** та ҳайдовчига нисбатан қўлланилган жарималар тўғрисида маълумот олинмаган. **6** та ҳайдовчига нисбатан лицензиясиз фаолият кўрсатиш ҳолати такрорланганлиги сабабли жиноий иш қўзғатилган.

Шу ўринда, 9 ой давомида Тошкент шаҳрида ҳам рейдлар натижаси аниқланди. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак 2016 йилнинг 9 ойи давомида тегишли давлат идоралари ходимлари билан биргаликда ўтказилган тадбирларда қуйидаги натижаларга эришилди. Агентлик Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари томонидан лицензия талаб ва шартларини бузган **1762** та ташувчиларга нисбатан махсус рақамли далолатномалар расмийлаштирган. Натижада жорий йилнинг 9 ойи давомида Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан лицензиялаш бўйича **45 марта мажлис** ўтказилган бўлиб, **31 та жисмоний ва 151 та юридик** шахсларга лицензиялар бериш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Шулардан **31 та якка тартибдаги** тадбиркор ва **154 та корхоналарга** ўрнатилган тартибда бош лицензиялар берилган. Шунингдек, жами **275 та лицензия шундан**, юк автомобиль транспортида шаҳарда ташиш ҳуқуқи учун **146 та** ва юк автомобиль транспортида шаҳар атрофида ташиш ҳуқуқи учун **129 та** лицензиялар берилган. Ушбу лицензияларга асосан юк автомобиль транспортида шаҳарда ташиш ҳуқуқи учун **4295 та** ва шаҳар атрофида ташиш ҳуқуқи учун **3518 та**, жами **7813 та** лицензия варақалари ёзиб берилган. Бунинг натижасида 2016 йил 9 ойи давомида, 2 млрд 102 млн 407 минг 198 сўм (2015 йил 9 ойи давомида 1 млрд 719 млн 685 минг 829 сўм) давлат божи туширилди. Аризаларни кўриб чиқиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатлар беришдан 160 млн 781 минг 280 сўм (2015 йил 9 ойи давомида 126 млн 966 минг 240 сўм) йиғим ундирилди.

Ҳозирда бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.